

ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 43

Бухоро шаҳри

04 июль 2021 йил

ОК “ALFA DORS”, кейинги ўринларда Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари М.Шаймарданкулов, Бухоро «Мурувват ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи» кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари Б.Олтиев мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Набор мебели для жилой комнаты(2-Стол из шпон МДФ,2-Шкаф из шпон-й МДФ подтелефонник 1 тумба,кресло из металлопластиковый конструкции	комплект	1	19809000	19809000
2	Шкаф для хранения игрушек	дона	10	2970700	29707000
3	Стол из шпонированный МДФ	дона	1	2970700	2970700
4	Парта	дона	10	1980800	19808000
5	Стул на деревянном каркасе	дона	10	888080	8880800
6	Стул на деревянном каркасе	дона	10	747000	7470000
7	Стол из шпонированный МДФ и стул	дона	5	3170900	1584500
8	Полочки для мобильных телефон	дона	1	500000	500000
9	Полочки для полотенец	дона	4	750000	3000000
10	Стул на металлическом каркасе	дона	20	297300	5946000
11	Шкаф медицинский	дона	10	3468000	34680000
12	Кушетка медицинская	дона	6	2146000	12876000
13	Ростомер	дона	4	499500	1998000
	Жами:				163500000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил 31 декабргача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **163 500 000 (Бир юз олтмиш уч миллион беш юз миң)** сўмни ташкил этади. Ушбу шартнома учун ҳисоб-китоблар ажратилган маблағлар доирасида тўланади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори **49 050 000** сўм яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг июль ойида амалга оширилади. Белгиланган сумманинг **114 450 000** сўм, яъни 70 % ишлар бажарилгандан сўнг 2022 йил июль ойида бажарилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

- 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
 - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
 - 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартномага мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
 - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди ва товарни ўрнатишни ўз бўйнига олади.
 - 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
- 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
 - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
 - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб берадиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди:
- 5.4. Шартноманинг белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридан, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг маҳсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил « 31 » декабр гача амалда бўлади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
 - томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади.

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ «СОТУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»

ОК “ALFA DOORS”,

**Бухоро “Мурувват” ногиронлиги бўлган
болалар учун интернат уйи**

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат
кўрсатувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро шаҳар Жубор 162

Манзил: Бухоро шаҳар Абай кўчаси 61 уй

Тел./факс: 90 636 18 05

Тел./факс :65 228 1058

х/в 20208000405049363001

ш/х* 100021860064017101205344001

Банк номи: АТБ Капитал банк Бухоро ф-ли

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи:201512037

МФО : 01082

ОКОНХ: 92800

СТИР: 306221614

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Бухоро

вилоятибўйича Ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент
шаҳар


МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар Шаймарданкулов
(Ф.И.Ш)

Раҳбар Б.Олтиев
(лавозим) (Ф.И.Ш)

М.Ў



Хуқуқий Хулоса

(Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 20-21 моддалари тартибида)

«04» июль 2021 йил

4 сонли

Бухоро. ш

Мен Хуқуқшунос А.Раджабов Бухлол “Мурувват”ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи директори Б.Олтиев ҳамда “ALFA DOORS” ОК раҳбари М.Шаймарданкуловлар ўртасидаги 2022 йил 04 июль куни 43-сонли тузилаётган шартномани Уз.Р.нинг «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 21-моддасига мувоффиқ хуқуқий экспертиза ўтказганимда аниқладим:

Мазкур шартнома буйича узига олаётган мажбуриятларни бажариши Уз.Р.нинг «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 21-моддасига мувофиқ белгиланган. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар бўйича жавобгар бўла олади.

Шартномада томонлар жавобгарлиги ҳамда тўлов тартиблари белгиланган, юридик манзиллар тўғри кўрсатилган.

Кўшимча шартлар ва шартномани хуқуқий кучга кириш вақти ҳамда амал қилиш муддати аниқ қилиб белгиланган.

Тарафларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, манзили ва ҳисоб рақамлари тўғри ҳамда конуний эканлиги текшириб кўрилди.

Юкоридагиларга асосан мазкур шартномани Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўз.Р.«Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида» ги Конуни талабларига жавоб беради ва тақдим қилинган тартибда имзолаш мумкин деб ҳисоблайман.

Хуқуқшунос :

А.Раджабов